



Жанубий

ҚОЗОҒИСТОН

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2020 йил 4 август, сешанба. №69 (2844).

ПРЕЗИДЕНТ СОҒЛИКНИ САҚЛАШ БОРАСИДА АНИҚ ТОПШИРИҚЛАР БЕРДИ



Қозоғистон Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев мамлакатда эпидемиологик аҳволнинг яхшиланмагани, мураккаб давр бошдан кечирилаётганини маълум қилди. Бу ҳақда Ақўрдага таяниб, Egemen.kz ахборот берди.

– Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳам, халқаро таҳлилчилар ҳам Қозоғистоннинг ҳаракатларига ижобий баҳо берди. Аммо қатор минтақаларда вирус таралиш хавфи ҳали ҳам сусаймаётир. Биз улардаги аниқ санитария ҳолатига қараб ҳаракат қиламиз. Бош вазифа – фуқароларимизнинг соғлиғини сақлаб, ҳаётини муҳофаза қилиш. Ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаб, халқнинг даромадини сақлаб қолиш учун ҳам махсус чоралар кўрилаятир. Яна такрор айтаман:

ҳозиргидай мураккаб даврда ҳар бир фуқаро бизнинг эътиборимизда бўлади. Давлат ҳеч кимни қийин аҳволда қолдирмайди, – деди Қасим-Жўмарт Кемелули.

Бутун дунёда авжига чиққан пандемия Қозоғистонни ҳам четлаб ўтмаганини таъкидлаган Давлат раҳбари эпидемия юзлаб ишчилар ва нафақадорларни, кекса ва ёшларни, таниқли ва оддий одамларни орамиздан олиб кетаётганини айтди.

– Таниқли курашчи, жамоат арбоби

Ж. Ушкempiровнинг вафоти ҳақидаги хабар мени чуқур қайғуга солди. Касалликдан вафот этганлар сони кундан кунга ошиб бормоқда. Коронавирус ва пневмония туфайли вафот этганлар сони ҳали ҳам юқориликча қолмоқда, – деди Президент.

У, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва барча тиббиёт муассасаларининг асосий вазифаси ўлим кўрсаткичини энг куйи даражага тушириш эканлигини таъкидлади.

– Ҳукумат фуқароларнинг карантин тартибига риоя қилиш чораларини кучайтириши шарт. Бусиз пандемияга қарши курашда ғалаба қозониб бўлмайди, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

ҚОЗОҒИСТОННИНГ КОРОНАВИРУС ВАКЦИНАСИ СИНОВДАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

Коронавирус инфекцияси пандемияси туфайли кўплаб мамлакатларда COVID-19 инфекциясига қарши вакциналар ишлаб чиқарила бошланди. ҚР Таълим ва фан вазирлиги Фан қўмитасининг Биологик хавфсизлик илмий-тадқиқот институти Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда март ойининг ўрталарида вакцина тайёрлашга киришиб, уни 23 мартда олишди.

15 май куни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ўз веб-сайтида Қозоғистоннинг коронавирუსга қарши вакцинасини синовларга номзод дори сифатида рўйхатдан ўтказганини маълум қилди. У клиник синовдан кузда ўтказилади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, Қозоғистонда коронавирუს вакцинаси 65 ёшдан ошган, хавфли юрак-қон томир касалликлари, диабет ва сурункали ўпка касаллиги билан оғриган одамларга ва соғлиқни сақлаш ходимларига берилади. Эмланидиган одамларнинг тахминий сони 2 347 000 атрофида бўлиши кутилмоқда.

“ҚОЗОҚ ХОНЛАРИ” МЕМОРИАЛ МАЖМУАСИ ОЧИЛАДИ



Туркистонда “Қозоқ хонлари” мемориал мажмуаси барпо этилмоқда. Кўҳна шаҳарнинг маънавий-маданий марказидаги ушбу тарихий иншоотнинг аҳамияти залворли. Сабаби, бу ерда 21 нафар қозоқ хон ва султонлари, бийлари дафн этилган ҳақида аниқ маълумотлар берадиган ҳамда тарихий тасвирларни акс эттирадиган композиция ўрнатилади. Маълумотлар қозоқ, инглиз тилида бўлади.

“Ҳазрат Султон” кўриқхона-музейи ҳудудида дафн этилган зиёлилар ҳақидаги лавҳалар электрон тахталарда берилади. Шунингдек, керакли маълумотларни QR-код орқали гаджет ёрдамида олиш мумкин.

Май ойида қурилиши бошланган мажмуа яқин кунларда фойдаланишга топширилиши кутилмоқда. Умуман, ушбу тарихий иншоот қозоқ жангчиларининг бош кийими, ўтов ва музей гумбази каби таркибий қисмлардан иборат.

Туркистон шаҳар ҳокимининг матбуот хизмати.



Мақтаарал туманида фавқуллода вазият оқибатларини бартараф этиш ишлари тўхтовсиз юритилмоқда. Янги кичик туманда 115та уй қурилиши тўлиқ ниҳоясига етди. Умуман, 386та уйга пойдевор қўйилиб, деворлари кўтарилди. Уларнинг аксариятининг томи ёпирилиб, пардозлаш ишлари бошланди. Шу ва бошқа асосий масалалар вилоят ҳокими Ў. Шўкеев раислигида ўтган ҳафталик тезкор мажлисда муҳокама қилинди. Мақтаарал туманидаги бунёдкорлик ишлари тўғрисида вилоят қурилиш бошқармаси раҳбари Тўқтар Усипалиев маъруза қилди.

ВИЛОЯТДАГИ ҚУРИЛИШЛАРДА 9000 ИШЧИ МЕҲНАТ ҚИЛМОҚДА

– Туркистон вилояти буйича қурилишларга жами 9000дан зиёд, Туркистон шаҳридаги бунёдкорлик ишларига эса 4000дан зиёд ишчи сафарбар қилинган. Барча қурилиш иншоотларида карантин қоидаларига қатъий амал қилинмоқда. Туркистон шаҳридаги ҳеч бир қурилиш иншооти тўхтаб

қолгани йўқ, – деди бошқарма раҳбари.

Мақтааралдаги қурилишларда 29та пудратчи компания, 1400 ишчи ва 87та махсус техника қурилиш-монтаж ишларига сафарбар этилган. Мирзакентдаги янги кичик туманда 1200 ўринли мактаб, 280 ўринли болалар боғчаси, шифокорлик

амбулатория, полиция участка бўлими қурилмоқда.

Шунингдек, Фирдавсий қишлоғида шифокорлик амбулатория ва полиция бекати, Ўрғабас қишлоғида эса фельдшерлик-акушерлик пункти ҳамда полиция бекати қурилмоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



ЯНГИ УЙЛАР ҚАД КЎТАРМОҚДА

ТУРКИСТОН ШАҲРИДА ЙИЛ ОХИРИГАЧА 42ТА КЎП ҚАВАТЛИ УЙ ФОЙДАЛАНИШГА БЕРИЛАДИ

7 қаватли 24та уй сентябрь-октябрь ойларида эгаларига топширилади. Маъмурий-тадбиркорлик марказида бунёд этилаётган уйларнинг қурилиши муддатидан ва сифатли бўлиши учун кундалик мониторинг ишлари юритилмоқда. 1,2 ва 3 хоналардан иборат 1452та квартиранинг қурилишида 634 нафар ишчи, 33 техника иштирок этмоқда. Ҳозир қурилиш майдончасида девор кўтариш, электр ва сантехника, ички пардозлаш ишлари бажарилмоқда.

Замонавий қиёфадаги уйларда барча шароитлар муҳайё қилинади. Бу уйларда иситиш тизими автоном бўлади. Яъни, ҳар бир уй эгаси иситиш тизимини ўзи ўчириб, ўзи қўша олади. Таъкидлаш жоизки, қад ростлаётган 1452та квартиранинг 450таси кам таъминланган ва кўп болали оилаларга, 1002таси эса

насияга, яъни банкда навбатда турган омонатчиларга берилади.

Қолган 18та – 12 қаватли 10та ва 5 қаватли 8та уй йил охиригача хусусий сармоядор томонидан қурилиб, фойдаланишга берилади.

Бундан ташқари, маъмурий-тадбиркорлик марказида 12 қаватли 45та уй қурилмоқда. 2021 йили ниҳоясига етadиган уйлар қурилишида 13та пудратчи (ишчилар сони – 280, техника сони – 35) томонидан қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, 2021 йилда тугалланадиган 7 қаватли 15та ва 9 қаватли 5та уйнинг қурилиши ҳам давом эттирилмоқда.

Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.



Вилоятимизда етиштирилладиган полиз маҳсулотларининг 53 фоизи экспорт қилинади. Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларини ҳам озиқ-овқат, сабзавот билан таъминлайдиган, ери унумдор минтақамиз бутун Қозоғистон халқининг эҳтиёжидан 3,2 ҳисса ортиқ полиз маҳсулотлари етиштиради. Умуман олганда, вилоятимизда полиз маҳсулотлари экспорт ҳажми жиҳатидан пахтадан кейин иккинчи ўринда туради.

ЕРНИ ЭЪЗОЗЛАГАН – ЭЛДА АЗИЗ

Иқлимимиз деҳқончиликка монанд бўлгани учун эрта пишадиган полиз маҳсулотлари, сабзавот, картошкани йиғиштириш ишлари қизғин давом этмоқда. Вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармасининг маълумотига кўра, пийёз, сабзи, помидор, бодринг эккан 10276 деҳқон хўжаликлари гектаридан 1,5-2 млн. тенге даромад олади. Деҳқонлар такрорий ҳосил олиш ва ёмғирлатиб сугоришни йўлга қўйишмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, жорий йилда 2,8 миллион тонна сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштириш мўлжалланган. Бугунги кунда 1,8 млн. тенгелик маҳсулот, яъни 64 фоизи йиғиштириб олинди.



Эндиликда вилоятимизда 60 фоиз майдондаги ғалла ўрилиб, 261,1 минг тонна дон хирмони кўтарилди. Гектаридан ўртача 19 центнердан ҳосил олинмоқда. Августнинг биринчи ўн кунлигида йиғим-терим ишлари якунланади.

Чорвачилик соҳасига давлат томонидан субсидия берилиши ва қўллаб-қувватланиши мол боши кўпайиши ва маҳсулдорлик орттиришига ижобий таъсир қилмоқда. Чунончи, мол бошини кўпайтиришга 6,4 млрд. тенге ажратилиб, 936та агроташкилотга 2,5 млрд. тенге субсидия берилди. Натижада ярим йилда мол боши 6,1 фоизга ортди.

Вилоятимизда 71,8 мингта деҳқон хўжалиги рўйхатга олинган. 200 минг нафарга яқин одам деҳқончилик билан банд. Йил охиригача қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми ўтган йилгидан 77 млрд. тенгега ортиб, 706,0 млрд. тенгега етиши кутулмоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ТУРКИСТОНДА 70 КЎЧА ТАЪМИРЛАНМОҚДА



Мамлакатимизда 15 июлдан бошлаб, Nur Otan партияси қошида “Jas Otan” ёшлар қаноти ташаббуси билан оқ халатли фидойи инсонларга миннатдорчилик билдириш мақсадида “Шифокорларга минг таъзим” республика акцияси бошланган эди.

Хизмати таҳсинга лойиқ шифокорлар тўрт ойдан бери инсон ҳаётини сақлаб қолишда бутун куч-ғайратини сафарбар этмоқда.

Хавфли иллат билан курашаётган шифокорларга аталган ташаккурнома қутилари “Jas Otan” ёшлар қаноти вилоят филиали ва “Ёшлар имконият маркази” волонтерлари шаҳар марказий касалхонаси ходимларига топширди.

Тадбирда қатнашган Nur Otan партияси Туркистон вилоят филиали раисининг ўринбосари Қалийма Жантўреева шифокорларга ўз миннатдорчилигини изҳор этиб, келгуси ишларига омад тилади.

Шифокорлар партия ва ёшларга эътибор ва эҳтиром учун миннатдорчилик билдирдилар.

Nur Otan партияси Туркистон вилоят филиалининг матбуот хизмати.

ШИФОКОРЛАРГА ТАЪЗИМ



• Танлов

ОМАДИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ!

“Бизнеснинг йўл харитаси – 2025” тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш давлат дастури доирасида янги бизнес ғояларни амалга оширишга давлат грантлари бериш бўйича танлов ўтказилади.

Уни вилоят тадбиркорлик ва савдо бошқармаси ўтказиши.

Бошқарма манзили – Туркистон шаҳри, Кентов йўли, 2-бино (“Версаль” бизнес мажмуаси), электрон почта: dkbuko@mail.ru, тел: 8 (725-33) 5-97-78; 5-93-65.

Танловнинг асосий мақсади – “Бизнеснинг йўл харитаси – 2025” тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш давлат дастури

доирасида ишини янгидан бошлаган тадбиркорлар, ёш ишбилармонларга (ўз бизнесини ташкил қилишга) давлат грантлари бериш.

Танловда иштирок этиш учун номзодлар ариза ва ҳужжатларини кўрсатилган манзилга шахсан ўзи олиб бориши, почта орқали жўнатиши ёки ўзининг вакили орқали бериб юборишлари мумкин. Батафсил маълумот www.gov.kz/memleket/entities/turkestan-kasipkerlik-sauda сайтида берилган.

Ҳужжатларни 5-21 август оралиғида, иш кунлари 10.00дан 17.00 гача топшириш мумкин.

Танлов комиссияси.

ТАДБИРКОРЛАР ТОРТИҒИ

ВI Group қурилиш компанияси Тўлебий туман касалхонасига 3та кислород концентраторини тортиқ қилди.

Шу билан бирга, “Бирлик 2020” хайрия жамғармаси Ленгер шаҳар касалхонасига 2та, “Айдын нури” компанияси 1та концентратор ускунасини олиб берди. Шундай эзгу ишлардан туман фуқаролари ҳам четда қолаётгани йўқ. Тўлебий туман маслаҳати депутати Али Амралиев Ленгер шаҳар касалхонасига 5та концентратор совға қилди. “Шуғила” хайрия жамғармаси томонидан туман касалхонасига 5та ускуна етказилди. Мутахассислар бу ускуналарни беморларга қўшимча ёрдам сифатида қўллашади. Иллат билан курашаётган тиббиёт ходимларини қўллайдиган савдо ишлар давом этмоқда.

Туркистон вилояти минтақавий коммуникациялар хизмати.

ЮКСАЛИШГА ЗАМИНДИР ҲАР КУН

Жаҳонда кетма-кет инқирозлар юз бераётган бир даврда Давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати туфайли мамлакатимиз иқтисодийети жадал ривожланмоқда, унинг халқаро ҳамжамиятдаги мавқеи ва экспорт салоҳияти ошиб, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалмоқда, халқ ҳўжалигида тараққиёт сезилмоқда. Айнан шундай юксалишларни биз бевосита Тўлебий тумани мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Зеро, Тўлебий – юртимизнинг фахру-ифтихори, дўстлик ва бирдамлик рамзи.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида туманга эътибор қаратилмади. Натижада завод-фабрикалар тўхтади, ишсизлар сони ортиб, туман марказида истиқомат қилаётган одамлар уйини сота олмай, ташлаб кета бошлаган эди. Орадан уч-тўрт йил ўтиб, туманда ободончилик ишлари бошланди. Утган йигирма тўққиз йил мобайнида эса, тўлебийликлар асрга татиғулик тараққиёт йўлини босиб ўтди.

келтирилди. Шу кунларда Ленгер шаҳрида бта мактаб тўқис таъмирдан ўтказилмоқда, 3та мактаб янгидан қурилмоқда.

– Хонадонларимиз газ, электр энергияси, ичимли сув билан тўлиқ таъминланган. Кенг, батариб, файзли кўчалар, ҳовлиларда яшнаб турган дарактлар тароватидан баҳри-дилингиз очилади, – деди «Алатау» мавзесида истиқомат қилаётган С. Бейсенбаев. – Тадбиркорлик



қурди ва 21 одам доимий иш ўрнига эга бўлди.

Аққум қишлоқ округидаги Жаунаум овулида очилган 75 ўринли «Нур-Гўл-Ай» болалар боғчасини тадбиркор Нуржан Қарабалаев барпо этди. Абайнинг 175 йиллигига муносиб тўхфа сифатида Ленгер шаҳрида Абай хиёбони барпо этилмоқда. Бу ерда

намунали лойиҳа асосидаги уй-жойлар ва ижтимоий-маданий иншоотлар бунёд этилиб, қишлоқ инфратузилмаси ривожланишига замин бўлаяпти. Юзлаб чақирим ички ва республика аҳамиятга молик йўллари таъмирлаш, ичимли сув қувурлари ҳолатини яхшилаш устида ҳам қизғин иш кетмоқда. Шунингдек, тадбиркорликка кенг йўл очилиб, асаричилик, паррандачилик ҳамда чорвачилик ҳўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Туманимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида келгуси беш йилликка мўлжалланган кенг миқёсдаги режалар ҳам амалга оширилмоқда. Натижада иссиқхоналар кўпайиб, сабзавот етиштириш бўйича вилоятда олдинги қаторга чиқиш имконияти пайдо бўлади.

– Фарзандларимизнинг маънан етук, баркамол бўлиб улғайишида спортнинг ўрни беқиёс. Шу боис, ёшларни спортга жалб этиш, чекка ҳудудларда ҳам замонавий спорт мажмуалари барпо этиш масаласи доимий диққат-эътиборда турибди, –

Туманда вилоят ҳокимлигининг сайёҳлик соҳасини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаси бўйича ҳам кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Хориждан сайёҳларни жалб этиш, уларни кутиб олишга муносиб жойлар тайёрлаш, туманнинг сўлим гўшалари билан таништириш ва керакли хизматларни кўрсатишга бу ерда асосан тадбиркорлар ва нодавлат ташкилотлар бел боғлашган.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимиз ҳаётининг бирор-бир жабҳаси, жамиятимизнинг ҳеч бир аъзоси йўқки, ҳаётда мустақиллик тўхфаси, унинг ҳаётбахш таъсири из қолдирмаган бўлса. Бинобарин, мустақиллик бизга тинч ва осуда ҳаёт кечириш, тўкин ва фаровон умргузаронлик қилишдек бахтни берди. Шундай фараҳбахш кезларда Ватан мустақиллиги, эрк ва озодликдан устун турадиган ҳеч қандай қадрият, ҳеч қандай неъмат йўқлигига иқрор бўлаверасан, киши.

Таъбир жоиз бўлса, мустақиллигимизнинг илк йилларида қадалган эзгулик уруғи 29 йил



Бунинг ёрқин далили – туманда ҳар йили очилиб, фойдаланишга берилаётган ижтимоий иншоотлар, кўп қаватли уйлар, мактаблар.

– Ўзингиз гувоҳи бўлганингиздай, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириб, тобора чирой очиб бормоқда, – деди туман ҳокими Бауржан Ўмарбеков. – Бу соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида махсус давлат дастури қабул қилинган. Уларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида пандемия шароитида ҳам туманда қурилиш ишларини бир муддатга ҳам тўхтатмадик. Режаланган иншоотлардан ташқари, сув босган қишлоқларда бошпанасиз қолганларга янги уй-жой қурилмоқда. Махсус комиссия қарори билан 42та уй яроқсиз деб топилди, 100-80-60-50 квадрат метрли, 4 хил намунада иморат қуришга киришилди. Бунинг учун республика фавқуллода вазиятлар жамғармасидан 488 млн. тенге ажратилди. Сел хавфи бор 9та уй эгаларига янги – «Алатау» мавзесидан 0,1 гектардан ер ажратилиб, иморат барпо этилмоқда, – деди туман ҳокими Бауржан Ўмарбеков. – Қурилиш сифатини вилоят ҳокими Ўмирзақ Шўкеев шахсан назорат қилиб турибди. Сув ювиб кетган 4та кўприк аслига

қулоч ёзиб, мана сабзавотни ҳам ўзимиз етиштира бошладик. Бунинг учун иссиқхоналар қурилиб, янги, тежамли технологиялар қўлланилмоқда. Қозоғистон бугун ўзининг юксак сиёсий мавқеи, ишлаб чиқариш салоҳияти ва барқарор иқтисодийети билан жаҳоннинг ривожланаётган мамлакатлари қаторига қўшилди.

буюк оқинга ҳайкал ўрнатилади. Бургулик дам олиш минтақасига олиб борадиган йўлдаги энг баланд тепаликка «Табиатни томоша қилиш майдончаси» қурилиб, фойдаланишга берилди. Бу ерда нафақат табиатни томоша қилиш, балки, маданий ҳордиқ чиқариб, дам олиш кунларини мазмунли ўтказиш мумкин.



Албатта, бунда Тўлебий тумани аҳолисининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Алатау қишлоқ округида 100 ўринли «Ўлзада» болалар боғчаси фойдаланишга берилди. Бу иншоотни тадбиркор Қ. Турданов ўз маблағи ҳисобидан

– Аҳолининг турмуш даражаси, фаровонлиги нафақат унинг иш билан бандлиги ва даромади, балки, яшаш шароити билан ҳам белгиланади, – деди туман маслаҳати котиби Нурлан Қўйбағаров. – Бутун мамлакатимиздаги каби, туманимизда ҳам



деди Б. Ўмарбеков. – Деярли ҳар бир қишлоқда замонавий спорт мажмуалари ҳамда спорт иншоотлари қурилиб, ёш авлод ихтиёрига берилгани қувонарли ҳол, албатта. Бундай хайрли ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилиб, сармоя дастурига асосан, вилоят ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг

давомида униб-ўсиб, адолат, меҳр-мурувват, оқибат сувини ичиб, илдизлари мустаҳкам, гуркираган дарактга айланди. Унинг шохларида тинчлик-омонлик, фаровонлик, барқарорлик мевалари пишиб етилди. Лекин, мустақиллик аталмиш ҳаёт дарактининг униб ўсиши осон кечмаганини ҳам унутмаслигимиз



компанияси буюртмачилигида 20дан зиёд иншоотда қурилиш-таъмирлаш, реконструкция ишлари бажарилмоқда.

керак. Шунинг учун унинг қадри доимо баланд.

Б. ДЎСМАТОВА.

ТАРИХ ТИЛГА КИРСА ҒЎЗАЛ...

Туркистоннинг 17та тарихий ва маданий иншоотини янгилашда хорижий олимлар иштирок этмоқда. Буни Қозоғистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги департаменти бошлиғи Кумис Сейитова маълум қилди.

халқаро ёдгорликлардан 47таси таъмирланмоқда. Туркистон шахрининг 17та тарихий ва маданий иншоотида қайта қуриш ва археологик ишлар олиб борилди.

– Хожа Аҳмад Яссавий ва

қатор иншоотларда аслига келтириш ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, Хон Ўрдаси ва Хон масжиди жойлашган Жетиата дарвозаси, мақбара олдида ўтувчи асосий кўчада ҳамда Култўбе шаҳрида археологик қазилмалар олиб борилмоқда. Ушбу иш учун маблағ нафақат давлат бюджетидан, балки ҳомийлар томонидан ҳам ажратилмоқда. Чунончи, Култўбе шаҳрида ҳомийлар кўмаги билан 9 гектар майдонда қовлаш ишлари олиб борилди ва у ерда топилган ёдгорликларни асраб-авайлаш, сақлаш ва тиклаш тадбирлари амалга оширилди. Тиклаш ишларига нафақат қозоғистонлик, балки хорижий олимлар ҳам жалб этилмоқда. Мақбарани тиклаш, аслига келтириш учун биз ҳар бир ишни илмий-услубий кенгаш олдига қўямиз ва олимлар билан маслаҳатлашамиз, – деди К. Сейитова.



Департамент раҳбарининг сўзларига кўра, бу йил мамлакатдаги 240та миллий ва

Робия Султонбегим ҳамда саккизбурчак мақбаралари, шунингдек, шарқона хаммом каби

ҚозАхборот.

Буюк Абайнинг мангу мероси

Бу йил Абай Қўнанбаев таллуғига 175 йил тўлади. Буюк шоир юбилейини муносиб нишонлаш учун тузилган махсус комиссия белгиланган режа асосида иш олиб бормоқда.

«Элбоши Нурсултан Абишули Назарбаев «Келажакка йўланма: маънавий янгиланиш» мақоласида ижтимоий онгни қайта янгиланишнинг муҳимлигини қайд этганди. Миллий онгни сақлаш ва уни замон талабига мослаш давлат аҳамиятига мўллик масалага айланди. Сабаби, тафаккурни янгилаш орқали XXI асрда элимизни янгилаш жўшқинлик билан ривожлантиришга йўл очамиз... Янгиланиш – ўтганга кўз юмиб, фақат янги қадриятларга йўл очиш деган сўз эмас. Чин маънода, бу – миллий меросимизнинг бугунги ижобий жараёнлар билан уйғун ҳолатда ўзгаришидир. Бу борада биз Абайни истисно эта олмаймиз. Сабаби, буюк мутафаккир бундан бир аср муқаддам миллатни

янгилашга, янгиланаётган янги ҳаётга мослашга даъват этган», – деб ёзади ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев «Абай ва XXI асрдаги Қозоғистон» номи мақоласида.

Абайнинг 175 йиллиги муносабати билан халқаро, республика ва минтақавий даражада 500дан зиёд тадбир ўтказилиши керак эди. Пандемия туфайли уларнинг аксарият қисми онлайн шаклда ўтказилмоқда.

Август ойида ЮНЕСКО билан биргаликда Семей шаҳрида ташкил этиладиган «Абай мероси ва жаҳон маънавияти» мавзуидаги халқаро илмий-амалий анжуман энг асосий тадбирга айланади. Шунингдек, октябрь ойида Нур-Султан шаҳрида «Абай ва маънавий янгиланиш масалалари» мавзуида халқаро конференция ўтади. Ана шу йиғинларда Абай шахси ва мероси атрофида тадқиқ қилиниб, унинг ижодидан XXI асрдаги янги Қозоғистоннинг равнақи йўлида фойдаланишга



йўл очилади.

Муҳим лойиҳалардан бири – буюк оқиннинг асарларини унота тилга таржима қилиб, чоп этиш. Чунончи, Абай асарлари инглиз, араб, япон, испан, итальян, хитой, немис, рус, турк, француз тилларига ўгирилади. Шоирнинг ҳаёти мероси, қозоқ маданиятини ривожлантиришдаги роли ҳақида бир қанча ҳужжатли фильм ва «Абай» телесериали суратга олинади.

Ҳукуматга юбилей доирасида Семей шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, шунингдек, Абай камол топган Жидебай овулини ободонлаштириш, «Жидебай-Бўрилик» давлат тарихий-маданий ва адабий-мемориал музей-кўриқхонасини илмий-маърифий фаолият юритувчи марказга айлантириш каби вазифалар юклатилиб, бугунги кунда уларнинг барчаси бўйича кизгин иш олиб борилмоқда.

«Хабар-24».

«Янги ҳаёт, янги кун»

Ленгер шаҳридаги 167/9-сонли ахлоқ тузатиш муассасасида «Янги ҳаёт, янги кун» ижтимоий лойиҳасини жорий этишга бағишланган давра суҳбати ўтди.

Тадбирда вилоят прокуратураси ходимлари, вилоят жамоат назорати комиссияси аъзолари, Шимкент шаҳар бандлик ва ижтимоий дастурлар бошқармаси ва «Жазосини ўтаб чиққан шахсларни реабилитация қилиш ва йўналтириш» ДКК ижтимоий ва маънавий ёрдам кўрсатиш бўлими раҳбарлари, Тўлебий туман бандлик ва ижтимоий дастурлар, пробақиявий хизмат, тадбиркорлик бўлимла-

ри мутахассислари ҳамда шу ерда жазосини ўтаётган 9 нафар маҳбус иштирок этди.

Давра суҳбати иштирокчилари лойиҳа ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдириб, қамоқда жазони ўтаб чиққанларнинг ишга жойлашиши қийин бўлаётганини, ишсизлик туфайли улар яна жиноятга қўл ураётганлигини, лойиҳанинг жамиятимиз учун муҳим ва долзарблигини айтиб, тадбир иштирокчиларига миннатдорчилик билдирдилар.

Лойиҳанинг асосий мақсади – озодликка чиққан ҳар бир маҳбусни назоратга олиб, уларни иш, турар жой билан таъминлаш.



Баъзи маҳбусларнинг борадиган жойи йўқ, қариндошлари юз ўгирган. Уларни Шимкент бошпанасизларни реабилитациялаш маркази ходимлари кутиб олиб, турар жой, уч маҳал овқат, иш ва зарур ҳужжатлар билан таъминлайди.

Б. ДЎСМАТОВА.

Жаҳонда нима гап?

Россия авиақатновларни тикламоқда

Коронавирус пандемияси туфайли узоқ танаффусдан сўнг Россия қатор мамлакатлар билан авиақатновларни тикламоқда, дея хабар бермоқда ТАСС.

Дастлаб Буюк Британия (Лондон), Туркия (1 августдан Анкара ва Истанбул, 10 августдан Анталия, Бодрум ва Даламан) ва Танзания (Занзибар ороли) мамлакатлари билан авиапарвозларни тиклаш кўзда тутилмоқда.

Маълумотларга кўра, халқаро рейслар тикланишининг иккинчи босқичида Мальдив ороллари ва Жанубий Кореяга ҳам самолётлар учирни бошлаши мумкин.

Шунингдек, туризм соҳаси экспертлари Тунис ва БААга ҳам авиақатновларнинг йўлга қўйилишини тахмин қилишмоқда.

Халқаро рейслар дастлаб фақат Москва, Санкт-Петербург ва Ростов-Дон шаҳарларидан амалга оширилади.

ЖСТ: Кузатувчи мамлакатлар сафи кенгайди

Туркменистон Жаҳон савдо ташкилотига расман кузатувчи мақомига эга бўлди. Бу хабарни Туркменистон ташқи ишлар вазирлиги тарқатди.

«2020 йил 22 июлда ЖСТнинг Женевадаги бош қароргоҳида Олий кенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Туркменистоннинг ташкилотга кузатувчи мақомида қўшилиши бўйича аризаси кўриб чиқилди. Унда Туркменистонга бир овоздан кузатувчи мақоми беришга қарор қилинди», – дейилади Туркменистон ташқи сиёсат маҳкамаси сайтида эълон қилинган хабарда.

Ҳозирда ЖСТга 164 мамлакат аъзо ҳисобланади. 24та мамлакат ташкилот фаолиятида кузатувчи мақомида иштирок этмоқда, Туркменистон йигирма бешинчи кузатувчи мамлакат бўлди.

Беларусда сайлов яқин

Минск шаҳрида кучайтирилган хавфсизлик чоралари шароитида кўпнинг кишилиқ митинг бўлиб ўтди. Улар Беларус президентлигига номзод Светлана Тихановскаяни қўллаб-қувватлашмоқда, деб хабар тарқатди «РИА Новости».

Светлана Тихановскийнинг турмуш ўртоғи Сергей Тихановскийни сайловолди компанияси пайтида қамоққа олишган эди. У бир неча жиноий ишлар билан айбланмоқда.

Аввал Сергей Тихановскийнинг ўзи президентлик учун сайловда иштирок этишни мўлжаллаганди, бироқ Марказий Сайлов Комиссияси уни номзод сифатида рўйхатдан ўтказмагани боис ташаббускор гуруҳ томонидан рафиқасининг номзоди илгари сурилди.

Беларуснинг янги президенти бўлиш учун жами беш киши кураш олиб бормоқда. Улар сафида амалдаги президент Александр Лукашенко ҳам бор. У олтинчи бор президентликка номзодини қўймоқда.

Сайловлар ўтказилиши 9 августга мўлжалланган.

Германияда ҳарбийлар сони қисқартирилди

Трамп бунинг сабабини тушунтирди.

АҚШ президенти Доналд Трамп нима сабабдан Германия Федератив Республикаси ҳудудидаги ҳарбийлар миқдорини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинганига изоҳ бераркан, ГФР Россияга энергия учун миллиардлаб доллар тўлаётгани, НАТО ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим бўлган солиқлар муддатини эса чўзиб юборётганини эслатди. Бу ҳақда «Коммерсант» нашри ёзган.

«Германия Россияга энергия учун йилига миллиардлаб доллар берапти, биз эса Германияни Россиядан ҳимоя қилишимиз керак. Бу нима деган гап? Қолаверса, Германия НАТОга тўланиши керак бўлган ўзига тегишли 2 фоизлик солиқни анча кечиктириб юборди. Қисқаси, биз Германиядан айрим қўшинларни чиқарамиз!», – деб ёзган жаноб Трамп ўзининг ижтимоий тармоқдаги саҳифасида.

АҚШ ҳукумати Германиядаги Америка ҳарбий контингенти қисқартирилишини эълон қилди. Қарорга мувофиқ, ушбу давлатдаги 34,5 минг ҳарбий хизматчининг 6,4 минг нафари уйига қайтади, 5,6 минг аскар ва зобит эса Европанинг бошқа мамлакатларига кўчирилади.

АҚШда президент сайлови бошқа вақтга кўчирилиши мумкинми?

«Агар овоз бериш почта орқали амалга ошириладиган бўлса, 2020 йил сайловлари тарихдаги энг ноаниқ ва сохталаштирилган сайлов номини олади. Бу АҚШ учун улкан ҳақоратдир. Одамларга ишончли ва хавфсиз шароитларда овоз бериш имконияти пайдо бўлмагунга қадар овоз беришни кечиктириб туриш лозим», – деб ёзди АҚШ президенти Дональд Трамп твиттерда.

Шу билан бирга, Трамп штабининг вакили Хоган Гидли давлат раҳбарининг сайлов муддатини бошқа кунга кўчириш таклифига изоҳ берар экан, «демократларнинг почта орқали овоз бериш таллаб қилаётганига ишора қилган, халос», деди.

АҚШда президент сайлови жорий йил 3 ноябрга мўлжалланган. Бироқ мамлакатда сайловни коронавирус пандемияси шароитида қандай ўтказиш юзасидан кескин баҳс-мунозаралар кечмоқда.

Интернет манбалари асосида тайёрланди.

Минг йиллар давомида одамларда ҳайрат ва ҳаяжон уйғотиб, ривоят ҳикоятларга жон киритган бу машҳур гиёҳнинг номи исми-жисмига яраша – меҳригиёҳ. Унинг ҳар хил навлари мавжуд. Саҳрода ўсадиган бир нави мамиронга ўхшайди — баландлиги бир газгача етиб, барги анжирникига монанд, лекин бироз майдароқ, меваси пишганида қизил ранг олади, гули оқ, илдизи худди йигит билан қиз бир-бирига тикилиб турганга ўхшайди. Аслида меҳригиёҳ деб аталишига ҳам илдизининг инсон шамойилига ўхшаб кетиши сабаб бўлган бўлса, ажаб эмас.

МЕҲРИГИЁҲ ҲАҚИДА

Абу Али ибн Синонинг ёзишича, меҳригиёҳ – узунроқ ва пояси йўқ гиёҳ. Меҳригиёҳнинг бу хилининг қобиғидан шира ҳам олинади.

Хуллас, меҳригиёҳ қандайдир афсонавий, топилиши амримахол ўсимлик бўлмай, ҳақиқатда бор, дунёнинг кўп мамлакатларида учрайдиган анча оммалашган гиёҳ эканлигини илмий тиббиёт ҳам исботлади. Кейинги пайтларда чўл ва саҳролар, тоғ олди ва тоғ этакларида унинг турли навларини топиб, халқ табобатида қўлланилмоқда. Шу боисдан одамларда узок вақтлар илоҳий гиёҳ сифатида қараб келинган меҳригиёҳга қизиқиш ортди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, меҳригиёҳни билиб-билмай излаш, уни қовлаб олиш ва саломатлик учун фойдаланиш тўғриси эмас. Унинг таркибида, айниқса, ер остидagi илдиз қисмида инсон соғлиги учун зарарли моддалар борлиги эҳтимолдан холи эмас. Шунинг учун ундан шифокор ва табиблар тавсиясиз фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас.

Унинг шифобахшлик хислатлари: уни истеъмол қилинса, уйқуни келтиради. Бордию уни йўғон ичакка киритилса, узундан-узок ухлатади. Бундай хосият айниқса, меҳригиёҳнинг поясиз, оқ гулли навида кучлидир. Агар буни кўп ейилса ёки ҳидланса, сахта (хушдан кетиб, ўликка ўхшаб ҳаракатсиз ётиш) дардига дучор қилади.

Меҳригиёҳ илдизи заъфарон билан ейилса, бўғимлар дарди, қуймич асаблари ва подаграга шифо бағишлайди, агар ана шу илдиз буйинга осиб олинса, тутқаноқ дардини бартараф



қилади. Барги туйиб боғланса, кўз оғриғи ва ундан сув оқишини йўқ қилади. Илдизи тановул қилинса, юрак ўйнашига шифо бўлади.

Ҳали пишиб етилмаган меҳригиёҳни қизилгул ёғи билан қориб, ҳомиладор аёллар қорнига ва қовуғи аралаш белига суртишса, боласини барвақт тушишдан сақлаб қолинади.

Меҳригиёҳнинг заҳарли нави киши билмай еб қўйса, ўлимга олиб боради. Бундан халос бўлишнинг йўли: ёғ, иссиқ сув ва асал истеъмол қилиб, қусиш ва баданни заҳардан тозаловчи дорилар ейиш.

Мурч, укроп, тоғрайҳон, янги соғилган сут, хардал ичирилса, ичкетари бўлса қатиқ ичирилса ҳам заҳарланишни даф этиши мумкинлигини қадимги ҳақимлар амалиётда синаб кўрганлар ва мақсадга эришганлар.

Меҳригиёҳни бир кунда бир марта истеъмол қилиш миқдори 0,19 граммдан 0,5 граммгача.

Шунини алоҳида таъкидламоқ жоизки, меҳригиёҳни ичкетарни боғловчи восита сифатида истеъмол қилиш мумкин эмас. Уни ислоҳ қилувчи восита сифатида ширин бодом ёғи ва бинафша ёғига аралаштириб, шунингдек,

барги ва гулининг эзгилангани, ширинмия илдизининг шарбати, алоэ, аччиқ шувоқ ва заъфаронлар билан бирга фойдаланилиши лозим. Агар буни ислоҳ қиладиган воситаларсиз ейилса, мижозни бузади, юзининг шишиши, жигар оғриғи, меъда фаолиятининг бузилиши ва бошқа кўнгилсиз ҳодисаларга сабаб бўлади.

Унинг илдизи ва меваси туйиб сепилса, яралар ва ёмон захмларга шифо бўлади. Агар буни туйиб суртилса, қаттиқ ва юмшоқ шишларни қайтаради. Уни майда туйиб, сирка билан қориб зардобли яраларга боғланса, даво бўлади, шунингдек, теридagi майда тошмалар, сувли ярачаларга ҳам шифо бағишлайди.

Уни туйиб бугдой уни билан қуриб боғланса, бўғимлардаги дардларни йўқ қилади, ейилса, филло (фил касаллиги)га даво бўлади. Агар уни суртилса, теридagi оқ нуқталарни ҳеч қандай оғриқсиз йўқ қилади.

Унинг 1,5 граммини шароб билан истеъмол қилинса, шундай қаттиқ ухлатадики, ҳатто баданнинг истаган жойидан кесилса ҳам сезмайди – бу ҳолат жароҳлик амалиётда қўл келади.

Абу Али ибн Синонинг айтишича, меҳригиёҳнинг уруғи ичилса, бачадонни тозалайди, сутни ўт ва балғамни суради, унинг яроғи билан, айниқса, хўл яроғи билан теридagi қора нуқталар бир ҳафта ишқаланса, яра қилмасдан ўша нуқталарни кетказиши, сутни эса нуқталани қизил қонлашлар ва сепкилни ачиштирмасдан кўчиради.

«Саломатлик тақвими»дан.



• Шифокор маслаҳати

КОРОНАВИРУС ВА ҲОМИЛАДОРЛИК



Коронавирус ҳомилага қандай шикаст етказиши борасида тиббий тадқиқот ҳозирча етарли эмас. Шу сабабли ҳомиладор аёлларга ҳасталикдан сақланиш учун бошқаларга яқинлашмаслик тавсия қилинмоқда.

Ҳомиладор аёлларга нима маслаҳат бериляпти?

1. Коронавирус аломатларини кўрсатаётган шахслар билан мулоқотни чекланг. Бу аломатларга юқори ҳарорат ва давомий йўтал киради.

2. Зарурат бўлмаганда жамоат транспортдан фойдаланманг, иложи борича одам гавжум вақтларда сафар қилманг. Имкони бўлса, уйдан ишланг. Иш берувчингиз бу борада сизга дастак бериши керак.

3. Кўп одам йиғиладиган жойлар ҳамда ресторан, кино-театр, театр ва бошқа жамоатчилик жойларидаги оз сонли одамлар йиғинига қўшилманг.

4. Оилангиз ва дўстларингиз билан йиғилишлардан чекланг. Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали мулоқот қилинг.

Маълумки, ҳомиладорлик бу физиологик ҳолат бўлишига қарамай, бир қатор аъзо ва тизимларнинг, шу жумладан, иммун тизим ўзгариши билан кечади. Шу сабабли ҳомиладорлик вақтида инфекцияларга нисбатан сезувчанлик сезиларли даражада ошади.

Юрак-қон томир, нафас аъзолари касалликлари (зотилжам, бронхит астма), диабет, артериал гипертензия, сурункали яллиғланиш касалликлари бор ҳомиладорлар юқори хавф гуруҳига киради, айниқса, ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида. Ушбу касалликлар билан бир қаторда ҳомиладорлик даврида иммун ҳолатнинг, гемостаз (қон ивувчанлиги)нинг бузилиши, хавфли ўсмаларнинг мавжудлиги бутун организм зўриқишини кучайтиради, айниқса, айланиб юрувчи қон ҳажмининг ошишига, нафас кўрсаткичларининг пасайишига ва турли асоратлар ривожланишига олиб келади.

Аввалги ҳомиладорликда кузатишган артериал босимнинг ошиши, қон кетиши, қон ившининг бузилиши, муддатидан олдинги туғруқлар, ҳомиладорликнинг тўхташи, турли жароҳлик амалиётлари ҳам хавф омиллари ҳисобланади. Бундай ҳомиладорлар хавф гуруҳига киради ва алоҳида эътибор талаб қилади.

Коронавирус инфекцияси билан боғлиқ чекловлар бўлиши табиий. Аммо дам олиш, жисмоний фаолият ва турмуш

тарзини тўғри ташкил этиш (ижтимоий масофа, гигиена ва ҳимоя тартиблари) билан бу қийинчиликларни енгиш мумкин.

Ҳомила коронавирус инфекциясининг бевосита нишони эмас. Кўп нарса онанинг ҳолати ва коронавирус инфекциясининг оғирлик даражасига боғлиқ. Одатда туғруқ энгил ўтади, яъни болалар касаллик аломатларисиз туғилади. Энг муҳими – уларни ўз вақтида яққалаш. Дунёда содир бўлаётган умумий ташвиш ва асабий ҳолатларни тушунган ҳолда, таъкидлаш керакки, ҳомиладорликнинг кечишига хавф солувчи асосий омил бу – стресс (руҳий зўриқиш)дир. Асосланмаган янгиликларни ўқишдан бош тортиш, гигиеник тартибларга амал қилиш лозим. Онанинг саломатлиги ҳомирани вирусдан ҳимоя қилади.

Хитойлик шифокорлар ҳомиладорлик даврида COVID-19 билан касалланган оналарнинг чақалоқларида коронавирусни аниқлашмади. Ушбу касалларнинг маълумотлари “Frontiers in Pediatrics” журналида чоп этилган. Мақолада тўртта ҳолат қайд этилган бўлса ҳам, ҳомиладорлардан болаларига вирус юқмаслиги эҳтимоли мавжуд.

Ҳомиладор аёллар ўзларини COVID-19дан қандай ҳимоя қилишлари мумкин?

Ҳомиладорлар ҳам оддий одамлар каби зарарланишдан сақланишлари лозим. COVID-19 тарқалишини тирсагига йўталиб, касал одамлар билан алоқа қилишдан сақланиб, қўлларни тез-тез совун ва спиртли санитария воситалари билан ювиш орқали тўхтатиш мумкин.

Ҳомиладор аёлларни даволаш COVID-19 билан касалланиш даражасига, унинг клиник кўринишларига ва акушерлик ҳолатини тўғри баҳолашга асосланиб амалга оширилади.

Шундай қилиб, оқилона ёндашувлар ва тўғри танланган акушерлик ва умумтерапевтик тактика она ва бола ҳаёти ва соғлигини сақлашда ёрдам беради.

Дилафрўз ИСМОИЛОВА,
12-сонли шифохонанинг
акушер-гинеколог.
Шимкент шаҳри.

Бизда зайтун (оливка) ўсмайди, у Ўрта денгиз ҳавзасидаги мамлакатлардан келтирилади. Ўсимлик мойлари орасида энг тотлиси бўлган бу ёғнинг ҳам ўз тарихи ва энг муҳими ғоят шифобахш хусусиятлари бор.

Унинг шифобахшлик хислатлари: бадан аъзолари дарди ва бод ҳасталиқларига шифо бағишлайди, агар буни иссиқ сув билан ичилса, йўғон ичак дарди ва шиши бўлмиш қуланжни даф этади, шунингдек, ичаклар дардига шифо бағишлаб, меъда қуртларига қирон келтиради, буйрак ва қовуқтошларини майдалаб, тўкиб юборади, тер чиқаради, пешобни юргизади, бўғимларнинг дардлари, бод, қуймич оғриғи ва бошқаларни бартараф қилади.

Агар зайтун ёғи ичиб, қайт қилинса, бадандаги заҳарлар чиқиб кетади. Илқ зайтун ёғи билан ҳўқна қилинса, шишли қуланж, тикилмалар, бел оғриғи, бўғимлар дарди ва бод ҳасталиқларига шифо бағишлайди.

Зайтун ёғидан бир кунда бир марта истеъмол қилиш миқдори 35 граммгача.

Унинг шифобахш хислатлари кўп: истеъмол қилинса, ғализ моддаларни таҳлил қилади, ични ва юзни юмшатади, дори-дармонлар хислатини ислоҳ қилади ва уларнинг зарарли жиҳатларини сусайтиради, аъзолар қотиши

ЗАЙТУН ЁҒИНИНГ ШИФОСИ

ва томир тортиши олдини олади, совуқнинг зарарини бартараф этади.

Агар буни кўзга тортилса, қувват бағишлайди, юпка хол, кўз шиллиғи ва қўтирини даф этади. Зайтун ёғи кўз гавҳарига тушган зардобни даф этишда бебаҳо дори ўрнини босади, шунингдек, у қорачиқдаги зардобни даф этувчи ҳамдир.

Агар зайтун ёғи етти йилдан ортиқ сақланса, шифобахшлик қуввати ортиб, баласон мойидан ўтади. Бу ёғ қанча эскирса, шунчалик кучли бўлади. Зайтун ёғи тўрт юз йилгача кучини йўқотмайди.

Ушбу ёғ Испания, Италия, Франция, Греция, Туркия, Сурия, Ливан, Фаластин, Миср, Жазоир, Марокаш каби мамлакатларда ўсадиган зайтун дарахтининг хом ёғи етилган мевасидан сиқиб олинади. Бундай дарахт ёввойи ҳолда ўрмон ҳосил қилиб ўсади ёки маданийлаштирилиб, боғларда парвариш қилиб ўстирилади.

Турли таом тотли чиқади, тўғралган сабзавотларнинг юзига сепсангиз яхши салат, палови хушбўй, ўзига нон теккизиб еса ҳам бўлаверади.

Зайтун ёғи қадимда чироқ ёғи вазифасини ҳам ўтаган. Уни би-

рон идишга солиб пахтадан пилка ясаб хоналарни ёритишган. Силлиқ ва мулойим қилиш учун соч ва баданларга суртишган. Ишлайвериб қадоқ бўлиб кетган қўлларга суртилган.

Зайтун ёғининг турли дардларга даво эканлигини Абу Али ибн Сино бобомизнинг асарларида ўқиймиз:

• Зайтун ёғининг ҳамма тури баданни қувватли қилувчи, ҳаракатга мойил қилувчи ва ҳароратни сундирувчидир.

• Зайтун ёғи кўп жиҳатдан гул ёғидекдир. Сочни тўкилишдан сақлайди, ҳар қуни ишлатилса, унинг тез оқаришини тўхтатади.

• Зайтун ёғи учуқ ва “эшак еми”га қарши дори сифатида ҳам ишлатилади, иссиқ яллиғли шишларни йўқотади.

• Чиркин яраларни тозалайди ва жароҳатларнинг малҳамлари таркибига киради.

• Зайтун ёғи бош оғриғига фойда қилишда гул ёғидекдир.

• Зайтун ёғи билан оғиз чайқалса, қонайдиган милкка фойда қилади ва кимирлайдиган тишларни мустаҳкамлайди.

«Саломатлик тақвими»дан.

● Ҳайлаётган одам

ҲИИНЧОҚЛАР – МУҲИМ ТАРБИЯ ВОСИТАСИ

Соппа-соғ ўйнаб-кулиб юрган бола ярим соатнинг ичида қуса бошлади, ҳолдан кетди. Табибга олиб боришди. Тунда иситмаси кўтарилиб кетди. «Тез ёрдам» чақирди. «Янги ўйинчоқни кўриб қанчалар қувонган эди, ўйнашга улгурмади ҳам. Нега бундай бўлди, болагинамга кўз тегдимикан?», дея, онаси ҳайрон. Эртасига боланинг заҳарлангани аниқланди.

– Бундай бўлиши мумкин эмас! – деди онаси.

– Балки бирон янги ўйинчоқ олиб бергандирсиз? – сўради шифокор.

Онаси янги ўйинчоқ олиб берганини айтди.

Уни вилоят санитария-эпидемиология нazorати бошқармасига текширишга юборишди. Ҳақиқатдан ҳам ўйинчоқда заҳарли модда бор экан.

Бугунги кунда болалар ўйинчоқларининг асосий қисми Хитойда ишлаб чиқарилади. Боз устига, бу турдаги маҳсулотларни тайёрлашда хитойлик «ишбилармон»лар табиий хомашёлардан эмас, балки маиший ва зарарли чиқиндилардан фойдаланишади.

Хитой билан географик жойлашувимизнинг яқинлигини инобатга олсак, Қозоғистон ҳам сифатсиз ўйинчоқлар муаммосидан холи эмас. Яратилаётган шарт-шароитлар, ташқи иқтисодий фаолиятдаги имтиёзлардан фойдаланган ҳолда айрим «тадбиркор»лар мўмай даромад илнжиде яроқсиз болалар ўйинчоқларини ноқонуний равишда юртимизга олиб киришга уринишмоқда.

Хўш, сифатсиз ўйинчоқлар муаммосининг салбий оқибатлари айнан нимада намоён бўлади?

Бугунги глобаллашув жараёнининг таъсири «кўғирчоқ» sanoатини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Шу сабаб ҳозирда дўконларда дунёнинг исталган бурчакларида ишлаб чиқарилган ва деярли барча «замонавий» қаҳрамонларни ўзида акс эттирган ўйинчоқларни учратиш мумкин: Шрэк, Ўргимчак одам, Соҳибжамол ва маҳлуқ, Барби ва ҳоказо.

Мутахассисларнинг фикрича, дунё бозорларида сотилаётган қарийб 60 фоиз ўйинчоқларнинг сифати деярли назорат қилинмас экан. Бу каби зарарли буюмлар эса ўз навбатида бола саломатлигига салбий таъсир ўтказиши мумкин.

Сифатсиз ўйинчоқнинг болаларга етказиши мумкин бўлган хавфини менсимаслик хуноқ оқибатларга олиб келади.

Масалан, ўйинчоқдан ўткир кимёвий ҳид таралмаслиги керак. Бу ўйинчоқ ишлаб чиқаришда сифатсиз пластмасса ва резиналардан фойдаланилганини аниқлади. Юмшоқ ўйинчоқлар эса асосан кимёвий-синтетик толалардан тайёрланади. Бу ҳам камлик қилгандай, ўйинчоқларнинг мустаҳкам бириктирилмаганлиги боис, уларнинг майда бўлакларини болакайлар бемалол «паққос» туширишлари хавфи мавжуд.

Ўйинчоқларнинг ранг-баранг ноодатий ва табиий бўлмаган,

жудаям ёрқин ва тўқ тусда бўлиши таркибиде заҳарли кимёвий элементларга бой бўёқлар билан бўялганини билдиради. Бўёқ таркибиде учрайдиган формальдегид, фенол, феноксил, метил, изобитурат каби заҳарли моддаларнинг даражаси баъзан 30 фоизгача етади. Бу эса асло мумкин эмас!

Табиийки, бола унинг рангига қизиқиб, мазасини татиб кўргиси келади. Оқибатда заҳарли моддалар жигар, ошқозон-ичак, буйрак йўлларида тушади ва ҳали тўла шаклланмаган бола организмга секин-аста салбий таъсирини ўткази бошлайди. Жумладан, турли тошмалар, шишлар каби аллергик хуружлар



кузатилади. Бу турдаги ўйинчоқлар энг аввало, бола руҳиятига ва кўриш қобилиятига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Яроқсиз ўйинчоқлар билан ўйнаш оқибатида болада кўнгил айниши, кўз остининг кўкариши, ланжлик ва сустилик келиб чиқиши мумкин.

Шу ўринда, болаларнинг сифатсиз ўйинчоқлари туфайли АҚШ ва Хитой ўртасида бўлиб ўтган можароларни эсга олсак. Айни пайтда океан ортига етказиб бериладиган ўйинчоқларнинг 80 фоизи Хитой улушига тўғри келади. Ҳа-я, юқорида таъкидлаганимиз, ўйинчоқ sanoатида турли ахлатлар хомашё базаси эканлигини инобатга олсак, АҚШдаги маиший чиқиндиларнинг асосий қисмини сотиб олаётган Хитой уларни болалар ўйинчоқлари шаклида яна «сеҳрли диёр»га қайтараётгани шубҳасиз!

Европаликлар ҳам яроқсиз, контрафакт ўйинчоқлар кўламининг кенгайиб бораётганлигидан жиддий хавотирда. Европа Иттифоқи бу муаммони махсус қонун йўли билан тақиқлади. Эндиликда контрафакт ўйинчоқларни тарқатган фуқароларни 4 йилгача озодликдан маҳрум этиш ёки 300 минг евро жарима солиш жазоси қўлланилади. Шунингдек, нафақат бу турдаги маҳсулотларнинг ўзига, балки уни тайёрлашда ишлатилган хомашё ва тайёр материалларга ҳам, етказиб бериш ва сотиш шароитига ҳам алоҳида сертификатлар жорий этилган.

Ота-боболаримиз ўйинчоқларни матолардан, ёғочдан, лойдан ясаб, бўёқлар орқали уларга «сеҳр» беришган.

Тўлебий туманига келган италиялик бир тадбиркор Ленгер шаҳрининг бир чеккасидаги тупроқдан бир халта олиб кетади. Юртида аниқланишича, ундан сопол буюмлар ишлаш мумкинлиги ва ер юзиде камдан кам учрашини айтган. У тадбиркор ҳар йили Италияга беш вагон тупроқ олиб кетади, ўйинчоқ бизнесини йўлга қўйибди. «Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ» – деб шунга айтсалар керак-да.

Болалигимда «Дарё билан жилға» масалини севиб ўқирдим. У шундай сатрлар билан тугарди: «Ўзбошимча кетаверди, тунукун юрди.

Дуч келиб эртаси жилға қумлоққа,

Сингиб кетди, буткул тупроққа».

Ҳожа билан тугаган ушбу шеърда шоир нимага ишора қилаётганини тушуниш қийин эмас, албатта. Кечагина дунёга келиб, бугун атак-чечак қилиб юрган болакай эртага қандай оламда яшаши, қандай тарбия топиши, бу катталарни унга билдираётган муомаласи, муносабатига боғлиқ эканлиги сир эмас. Ниҳолнинг қай қиёфада ўсишига ҳатто шамолнинг ҳам таъсири сезилади. Бола тарбиясида ҳам худди шундай. Менинг бу фикримни бутун умрини болалар тарбиясига бағишлаган, болалар боғчасига қирқ йил мудирлик қилган, Қозоғистон халқ маорифи аълочиси А. Маҳамедова ҳам маъқуллади.

– Афсуски, боласининг энг яқин сирдошига айланиб улгурган, ота-онасидан кўра меҳрини кўпроқ қозонган ўйинчоқларга умуман аҳамият беришмаяпти, – деди у. – Очик-сочик кийинтириб, юзларига турли ранглар билан ишлов берилган кўғирчоқларни кўриб, «ўйинчоқ-да», деб қўя қоламиз. Аммо болалаларда кучли ривожланган тадқиқотчилик сабабли оддий кўғирчоқдан болангиз «кўп нарсани» ўрганганини сезиб-сезмай қоласиз.

Ўғил болалар кўпроқ ўқотар қуроллар, қилич каби ўйинчоқларни, қизлар эса барби-кўғирчоқларни танлашади. Авваламбор, фарзандингизга ўйинчоқ олиб бераётганингизда унинг хоҳишига эътибор қаратасиз. Бу бир томондан тўғри. Аммо мутахассисларнинг айтишича, бола нимани хоҳлашидан қатъи назар,

у истаётган нарсани салбий ва ижобий томонини яхши сўз билан тушунтириш лозим. Ўйинчоқлар фарзандингизга бераётган тарбияни мустаҳкамловчи восита эканлигини англаб етсангизгина, гўдақларингиз парваришида хатога йўл қўймайсиз.

Кимга ёшлигида «уй конструктори» совға қилишган бўлса, шунинг таъсирида бугунги кунга келиб, яхши қурувчи бўлиб етишганларни биламиз. Бундай ҳаётий мисоллар жуда кўп. Қизингизга миллий кўғирчоқ олиб беринг. У ҳам сочига сочпопуқ, бошига дўппи кийишни хоҳлаб қолади. Бу фарзандингизда кийинши маданиятининг шаклланаётганидан далолат.

Боғбон ниҳолни ўстирар экан, одамларнинг кўзи қувнасин, дея унинг ортиқча шохларини кесиб, шакл бериб боради. Ташқи таъсирлардан ҳимоя қилади. Ҳали тили чиқмаган болага тўппонча олиб берган бўлсангиз, тўппонча жиннисига айланиши мумкин.

Ўғли йигирмага кирмай жинноятчилар тўдасига қўшилиб кетган она суд бўлаётган куни эслади, болалигида битта тўппонча олиб берганидан кейин, доимо дўконга борса, бошқа ўйинчоқ керак эмас, фақат тўппонча олиб беринг, деб хараша қилар экан. Кейин мактабда ўқиб юрганида телефонини қўлбола тўппончага алмаштириб олибди, кимнидир отиб қўйиб, оғир яралаган, отасининг ёрдамида жазодан қутулиб қолган, энди икки одамни отиб ўлдириб, узоқ муддатга қамалиб кетди.

«Нега шунда ўйинчоқ машина сотиб олмаган эканман», дея афсусланди онаси.

Юқорида бугуннинг ўйинчоқларида ўз аксини топаётган, болалар тарбиясида тарихча ижобий роль ўйнамайдиган ва аслида оммавий маданият маҳсули бўлмиш бир қатор қаҳрамонлар санаб ўтилди: Шрэк, Ўргимчак одам, Соҳибжамол ва маҳлуқ, Барби ва ҳоказо. Аммо, биз бу рўйхатни бошқача давом эттиришни жуда-жуда истардик: Алломиш, Зумрад ва Қиммат, Эри ва Тўғри, Уч оғайни ботирлар, Меш полвон, Хўжа Насриддин... Ахир бизнинг вилоятимизда ҳам пулни қандай бизнесга сарфлашни билмай юрган тадбиркорлар оз эмас.

Қолаверса, нафақат саломатлик учун хавфсиз, кимёвий таркиби жиҳатидан сифатли балки, болалар онгига, руҳиятига салбий таъсир ўтказмайдиган ва энг муҳими, рақобатбардош ўйинчоқлар ишлаб чиқариш учун минтақамизда барча имконият ва шарт-шароитлар етарли. Бу борада маҳаллий ишлаб чиқарувчилар жонбозлик ва ташаббус кўрсатсалар кифоя.

Бола қалбиде миллий қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ҳисси ривожланадиган паллада уларнинг доимий шуғулланадиган машғулоти – ўйинчоқларига эътиборсизлик йиллар ўтиб салбий оқибатларни намоён этишини унутмаслигимиз керак.

Б. РЎЗИМАТОВА.

● Ривоят

ОНАГА МУНОСАБАТ ҲАҚИДА

Бир йигит муҳаббатда омадсиз эди. Ҳаётда учраган қизлар негадир ёқмасди. Баъзиларини хуноқ деди, баъзиларини – фаҳм-фаросатсиз, бошқаларини эса сергап деб ҳисоблади. Муносиб қиз излайверишдан чарчаган йигит, ниҳоят, қабиле оқсоқолига маслаҳат сўраб, мурожаат қилди.

Ёш йигитни диққат билан тинглаган мўсафид шундай деди:

– Кўриб турибман, аҳволинг чатоқ. Лекин менга шуни айт-чи, ўз онамга муносабатинг қандай?

Йигит роса ҳайрон бўлди.

– Бу ерда онамнинг нима алоқаси бор? Лекин, ростини айтсам, билмайман... У тез-тез жаҳлимни чиқаради: аҳмоқона саволлари, фаросатсиз гап-сўзлари ва тинмай ғамхўрлик қилавериши жонимга тегади. Аммо мен уни севаман, деб айта оламан.

Оқсоқол бир муддат жим қолди, бошини чайқаб, суҳбатини давом эттирди:

– Хўш, энди мен сенга муҳаббатнинг асосий сирини очаман. Бахт аслида бор ва у сенинг қимматбахо юрагингга мужассам. Севгида омадинг келиши учун унинг илк уруғини юрагингга қадаган асосий одам ҳаёт экан. У сенинг онанг. Онамга қандай муносабатда бўлсанг, бутун дунёдаги аёлларга ҳам муносабатинг шундай бўлади. Чунки она – бу биринчи муҳаббат, у илк бор сени қайноқ бағрига босди. Бу – аёл кишининг илк қиёфаси. Онанинг севиб, ардоқлашни ўргансанг, барча аёлларни ҳурмат қилиб, қадрай бошлайсан. Ана ўшанда кўрасан, сенга ёққан қизнинг қиёфасини, у ҳам сенга мулоим табассум билан жавоб қилади, доно нутқлари билан мафтун этади. Сен ҳам аёлларга паст назар билан қарашдан тўхтайсан. Уларни асл ҳолатида кўра бошлайсан. Бизнинг ўз ота-онамизга қилган муносабатимиз – бахтимизнинг ўлчовидир.

Йигит мўсафидга миннатдорлик билан таъзим қилди. Энди йўлга отланиб кетаётган эди, ортидан унинг охириги сўзларини эшитди:

Ҳа, шуни ёдиндан чиқармагинки, ўз отасини севадиган ва ҳурмат қиладиган қизни изла!

“Жаҳон халқлари
масалларидан”
китобидан.

ДУНЁ МУСУЛМОНЛАРИ ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ ҚАНДАЙ НИШОНЛАДИ?

Сайёрамизда коронавирусдан касалланганлар сони 16 миллиондан ошди. Бу офат инсоният ҳаёт тарзига таъсир этиб, одамларнинг кўпгина режаларини ўзгартириб юборди. Жумладан, мусулмонларнинг асосий айёмларидан бири ҳам карантин даврига тўғри келди.

Ўзга юртдаги мусулмонлар байрамни қай тарзда кутиб олди?

БУЮК БРИТАНИЯ

Пандемия башариятни минг йиллик байрамлар тартибига ҳам ўзгартириш киритишга мажбур қилди. Буюк Британия мусулмонлари кенгаши "The Muslim Council of Britain (MCB)" ўз сайтида Ҳайит намозини амалга ошириш бўйича йўриқнома эълон қилди. Ҳужжатда Ҳайит намозини очиқ ҳавода адо этиш, бунинг имкони бўлмаса, ичкарида ўзаро масофа сақлаган ҳолда ўқиш тавсия этилди. Шунингдек, Ҳайит кутловларида кучоқ бериб кўришиш, қўл узатишдан тийилиш сўралди. Одатда Ҳайитда мусулмонлар яқинлари билан дастурхон атрофида йиғилади. Кенгаш бу борада хонадонда эмас, очиқ ҳавода йиғилишни ва иложи борича кўпчилик бўлиб тўпланмасликни сўраган.

КАНАДА

Канадада масжидга чиққанда оралиқ масофани сақлаш, кўпчилик бўлиб тўпланмасликнинг олдини олиш мақсадида махсус мобил илова ишга туширилди. "SMART Jamaat" мобил иловаси

орқали Торонто мусулмонлари мавжуд 8 масжиднинг бирида ўзлари учун жой белгилашди. Илова бир масжид тўлгач, бошқа вақт ёки масжидни таклиф қилди. Ўрин ололмаган киши намозни уйида адо этишга мажбур бўлди.

САУДИЯ АРАБИСТОНИ

Саудия Арабистонида Қурбон Ҳайити намозини масжидда адо этишга рухсат берилди. Бу мамлакатда Ийд Ал-Фитр намози учун масжидлар ёпиқ бўлган эди. Қиролликнинг ислом ишлари бўйича вазирлиги намозда оралиқ масофа сақлашни ва ҳар ким ўзи учун жойнамоз олиб келишни сўраган.

ҲАЗО СЕКТОРИ

Ҳазо секторидаги фаластинликлар Қурбон Ҳайитини одатдагидек оила даврасида кутиб олдилар. Ҳазо соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотига кўра, коронавирусга чалинганлар Ҳайит арафасида беш кишини ташкил этган ва уларнинг бари карантинда касалхонада даволанмоқда. Хуллас, аҳоли айёмни рисоладагидек кутиб олди.

ПАНДЕМИЯ ТУФАЙЛИ ҚУРБОНЛИК АМАЛИ ТАҚИҚЛАНДИМИ?

Британия мусулмонлари кенгаши қурбонлик амалини бажаришда гигиена қоидаларига амал қилиш ва тактик алоқадан сақланишни тавсия қилган. Коронавирус шиддат билан ёйилаётган Индонезияда фақатгина касаллик кам қайд этилган туманлардагина жамоат намозига ва қурбонлик тарқатишга рухсат берилди. Ҳайдаробод (Ҳиндистон) муфтийси аҳолига қурбонлик нархи микдоридаги пулни йўқиларга улашиш бўйича фатво берган. Шу орқали гўшт ва мол дўконларида одам тўпланишининг олди олингани айтилмоқда.

Покистонда эса ўзбошимчалик билан ташкил этилувчи жонлиқ, гўшт савдосини чеклаш буюрилди. Жонлиқни очиқ ҳавода сўйиш ҳам тақиқланди. Ҳайит арафасида Покистонда 500 га яқин ноқонуний қўй, мол бозори ёпиб қўйилди. Покистон соғлиқни сақлаш вазирлиги Зафар Мирза аҳолини онлайн тарзда қурбонлик сўйишга буюртма беришини сўради.

Қурбон Ҳайити амалларига Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳам бефарқ бўлмади. ЖССТ қурбонлик сўйиш ва тарқатишда ижтимоий масофа сақлаш йўриқномасини эълон қилди.

Мурат Қулмирзаули ТАҒАЕВ

Вилоят жамоатчилиги, зиёлилар оғир жудоликка учради. Ўрдабоши туманининг фахрий фуқароси, "Ордабаси-қус" МЧБнинг бош директори, таниқли тадбиркор Мурат Қулмирзаули Тағаев 65 ёшида бу фоний дунёни тарк этди.

У 1955 йил 9 июнда Қазигурт туманида туғилиб, Қапланбек зоотехника-ветеринария техникуми, Алмати зоотехника-ветеринария институтини битирган. Мутахассислиги – зоомуҳандис.

Меҳнат фаолиятини 1974 йил Қазигурт тумани, "Коммунизм" кўйчилик совхозидан бошлаб, турли йилларда Манғистовда "Ақтау" паррандачилик фабрикасида, Ўрдабоши туманидаги паррандачилик фабрикасида, "Қайнар қус" ХЖда ишлаган. 2007 йилдан буён "Ўрдабоши Қус" МЧБнинг бош директори, ҚР "Атамекен" МТП минтақавий кенгаши аъзоси эди.

Ўрдабоши туман маслаҳати, вилоят маслаҳати депутати бўлиб фаолият юритган.

Мамлакатимизнинг иқтисодий юксалишига қўшган ҳиссаси учун ҚР Конституциясига 10 йил, ҚР Парламентига 10 йил, Nur Otan партиясининг "Фаол хизматлари учун" кўкрак нишони, "ҚР Мустақиллигига 20 йил", "Қўрмет" ордени ва бошқа кўплаб соҳага оид мукофотлар билан тақдирланган.

2000 йили вилоят аҳолисини сифатли маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга оид шахсий фикр-мулоҳазаларини билдириш учун ҚР Президенти Н. Назарбаевнинг қабулида бўлган.

Бутун умри давомида эл-юрт эзгулиги учун хизмат қилган ажойиб ва саховатли инсон Мурат Тағаевнинг ёрқин хотираси кўпчилик қалбида узоқ сақланажак.

Унинг оила аъзоларига, қариндош-уруғлари ва кенг жамоатчиликка ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қиламиз.

Ў. ШҮКЕЕВ, Қ. БАЛАБИЕВ, А. ТУРҒИМБЕКОВ, Ж. АМАНБАЕВ, У. ТАЖИБАЕВ, М. МИРЗАЛИЕВ, С. ҚАЛҚАМАНОВ, Б. ТАЖИБАЕВ, Ж. МАУЛЕНҚУЛОВ, Ў. МЕЛДЕХАНОВ, Н. ТУРАШБЕКОВ.



● Хотира – муқаддас, қадр абадий

Туркистон шаҳрининг Бирлик мавзеси вакили, шу ҳудуд этномаданият бирлашмаси раиси сифатида ўтган оламдан ўтган таниқли тадбиркор, саховатли ҳомий, нуруний отахон, намунали оила соҳиби, Туркистон шаҳрининг ибратли фуқароси Қутлуғ Расул ўғли Ваҳобов ҳақидаги мулоҳазаларимни кўпчилик номидан баён этсам.

ИШИ ИСМИГА МОНАНД МАРД ТАДБИРКОР ЭДИ

«Жанубий Қозоғистон» вилоят газетасида тадбиркор Қутлуғ Расул ўғлининг Бирлик мавзесидаги йиллар давомида тўпланган аҳлатлар уюмини махсус техника ёрдамида тозалатиб, ўрнига бинолар барпо этиб, улкан савоб соҳиби бўлганидан бошлаб замонавий корхоналар қургани, ўнлаб янги иш ўринларини яратиб, саломатлик мажмуасини ишга туширгани, ёз жазирамасида аҳоли учун қулай бўлган муҳташам ҳовузни фойдаланишга топширгани каби кўплаб ташаббуслари ўз ифодасини топгани, шу тадбирларда шахсан иштирок этганидан фахрланаман. Ўта вазмин, олижаноб инсон эди, камтарлиги, хушмуомалалиги, каттага ҳам кичикка ҳам бирдай самимий муносабати, бу инсонни улуглайдиган ҳамда бошқалар ўрнатган арзийдиган ажойиб хислатлар бор эди. Вилоят маркази Шимкент шаҳридаги пайтида юқоридан таниқли инсонлардан иборат делегация тажриба алмашиш учун ташриф буюрганида Қутлуғ Расул ўғли уларни ўзи бунёд этган саломатлик мажмуасида хуштавозелик билан қарши олиб меҳмондўстлик намунасини кўрсатарди. Бир ажабланарлиси, таниқли инсонлардан иборат делегациянинг аксарияти Қутлуғ

Расул ўғлини яхши билар ва хурмат қилар экан.

Вилоят маслаҳати депутати Дониш Маннотов раҳбарлигида ҳурматли оқсоқоллар, тадбиркорлар бирга ташриф буюрган эдик. Шу тадбирда Қутлуғ Расул ўғлига кўпчилик иштирокида тантанали равишда таҳририят ташаббуси билан «Өнегелі азамат» унвони тақдим этилди. Унинг саъй-ҳаракати билан ишга туширилган пойафзал корхонаси маҳсулотлари сифати, арзон баҳоси ҳамда чидамлилиги билан истеъмолчиларга манзур. Ўтган йили Туркистонда илк марта очиқ сув ҳавзаси – замонавий бассейн ишга туширилганида туркистонликларнинг қувончида чек бўлмади. Жорий йил март ойида эса Мақтаарал туманида сув тошқинидан зарар кўрган аҳолига Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси томонидан ҳомийлик ёрдами кўрсатиш ташаббуси ҳам Қутлуғ Расул ўғлидан чиқди. Баҳодир Ирисметов раҳбарлигидаги Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси шу ташаббус асосида тадбиркорлар ҳимматини жамлаб, пировардида жами 10 млн тенгедан зиёд энг зарур буюмлар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари минглаб мақтаараллик

муҳтожларга етказилиб, улкан мадад бўлганди. Қутлуғ Расул ўғли шу тадбирда фаол қатнашиб, баракали ҳисса кўшиб, делегация таркибида Мақтаарал туманига биз билан бирга бориб келди. Қутлуғ укамизнинг ҳар бир иши, тадбиркорликдаги ҳар бир қадами Бирлик мавзеси учун, шаҳар учун қутлуғ бўлиб келганлигини алоҳида мамнуният билан таъкидлаймиз. Санокли кунлар аввал унинг хайрли ишлари давом эттирилиб, фарзандлари, ҳамкасблари томонидан қарийиб 400 метрдан зиёд йўл асфальтлангани ҳам бунёдкорлик борасида шонли саҳифа бўлиб қолади. Насиб этса, пандемия, карантинлар барҳам топиб, илгариги ҳаловатли ҳаёт изига тушса, Қутлуғ Расул ўғли хотирасига спорт мусобақаларини ташкил этиш ниятимиз бор. Бу анжуманни ҳар йили ташкил этсак, деймиз. Кўпчиликка ибрат – намуна бўла олган, ҳам иши, ҳам сўзи билан элга манзур Қутлуғ укамиздан беҳад миннатдоримиз. Унинг фонийдаги хайрли ишлари чин дунёда ўзига савоб амаллари бўлишини тилаймиз.

Тойир АБДУВАЛИЕВ, Туркистон шаҳри, Бирлик мавзеси, «Халқ эҳтиром» медали соҳиби.



P.S. Фаол жамоатчи обу-начимиз Қутлуғ Расул ўғли 1961 йили Туркистонда туғилган. 1978 йили Шаҳардаги А. Навоий номли мактабни ташаббус билан таълим олган. Умр йўлдоши Муҳаббат Маткарим қизи билан Иттизом, Нурилом, Эъзоза, Нурасл исмли қобил фарзандлар тарбиялаган. Улар турли соҳада – меҳнатда, ўқишда ҳамда спортда пешқадам.

Суратда Қутлуғ Расул ўғли ва камини - 2019 йил.

Ш. МАДАЛИЕВ тасвири.

"Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти ҚР "Дўстлик" ҳамжамияти қошидаги "Меҳрибон оналар" уюшмаси раисаси, газетамиз жонкуяри, тадбиркор Фароғат ҳожи Ҳожиматовага падари бузруквори **АБДУҲАЛИЛ ота-**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этади.

Аллоҳ марҳумни ўз раҳматига олган бўлсин!

● А. Навоий номли мактабнинг 90 йиллигига

ЭНГ КЕКСА СОБИҚ
ЎҚУВЧИ БИЛАН МУЛОҚОТ

ЎКИ МАКТАБ ТАРИХИГА ОИД ҚИЗИҚАРЛИ МАЪЛУМОТЛАР

Сухбатдошимиз Қозғоғистон ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмалари аъзоси, шоир, Туркистон шаҳрининг фахрий фуқароси, табаррук ёшдаги Эрназар Рўзиматов. Мулоқот мазуи вилоятимиз марказидаги кўхна билим даргоҳи – А. Навоий номли мактабнинг 90 йиллигига бағишланади.

– Эрназар ака, эллик йилда эл янги, деган нақл бор. Иккита эллик йилга яқин мўл тарихи бор мазкур табаррук даргоҳда ўқиган илк ўқувчиларнинг бири сифатида бугунги муштарийларимизга ўша қийин ва қизиқ замонлардан гапириб берсангиз...

– Вилоятимиз маркази Туркистон шаҳрида ўтган асрда А. Навоий номли мактабда тахсил олган ўқувчиларнинг бири бўлиш менга ҳам насиб этган.

Биз ўқиган замон, Улуғ Ватан урушига тўғри келди. Ҳар бир хонадоннинг бошлиғи ва вояга етган ўғиллари уруш майдонига сафарбар этилди. Аёллар ва балоғатга етмаган қизлар колхоз, фабрика, заводларига меҳнатга жалб этилган, «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса галаба учун» шиори долзарб бўлган палла. Болаларнинг қорни тўйиб нон емас, юпун кийиниб мактабга борарди. Қўлларида матодан тикилган тўрва, унда китоб, сиёҳдон ва пероли ручка бўларди, топганлари бир бурда нонни унга солиб, мактабга кетишарди. Ўша пайтда пул топилса нон топилмас, ҳар бир киши бошига 400 граммдан нон талон орқали тақсимланарди. Шу 400 грамм нон учун кечаси магазинга бориб, узундан-узун навбатга турардик. Нон гоҳо етарди, гоҳо етмай қоларди. Мактабдан сўнг айрим ўқувчилар таътил вақтида галла ўрими бошланганда машоқ теришга колхозга чиқишарди. Машоққа чиқиб қо-

ровуллардан калтак еб қайтганлар кўп бўлган. Кечаси иссиқ овқат топганлари ичар, топмаганлари оч етарди. Ўша пайтларда одамлар очликдан сақланиш учун чигитнинг мағзини қовуриб, кунжара ҳам ейишган. Бозорга бирор киши сотишга нон ёпиб, олиб чиққан бўлса, безори болалар очлик азобидан нонга талашиб, тортиб олиб қочиб кетишарди. Мен мактабга кечроқ борганман. 1941 йил шу мактабда ўқитувчи бўлган Худойберган ака, Аҳмад ака, Анвар ака биринчилардан бўлиб армия сафига чақирилганди. Тошкент темир йўлига қарашли 42-мактаб 7 йиллик бўлиб, ўзгаришсиз қолди. Ўша пайтда мактаб директори Аҳмад Воҳидов, кейин Қаюмов, сўнгра Юнусов мен ўқиган пайтимда директор бўлган. 1941 йилдан 1950 йилгача мактаб ўқувчиларини ҳозирги «Санитас» шифохонаси ва Некрасов номли мактаб биноларида бўлиб ўқитишган.

1949 йили мактабни тамомладим. Мен билан Дадажон Атаматов, Тошканбой Содиқов, Раимжон Рўзиматов каби кадрдон инсонлар бирга ўқишди.

– Ўша тарихий йилларда ҳам ҳамма тўлиқ ўрта маълумот олавермас, олий ўқув юртига бориш истагидаги ўқувчиларгина Туркистондаги ягона ўрта мактаб – собиқ М. И. Калинин, ҳозирги Ҳамза номли мактабда тахсилни давом эттиришган...

– Мен ҳам юқори синфларда тахсил



олиш учун Ҳамза мактабига ўқишга бордим. Мактабда бошланғич комсомол ташкилотининг котиби бўлдим. Ўқишни битиргач эса Тошкентдаги олий ўқув юртига ўқишга кириб, Чирчиқ шаҳрида ишлаб, 1965 йил охирида Туркистонга қайтиб келдим. Ремонт-механика заводида муҳандис бўлиб ишладим. Ишлаб чиқариш билан бирга ижод билан шуғулландим, шеър, ҳикоялар ёзиб, китоблар чоп эттирдим. Ўтган асрнинг олтинчи йилларида мени Ёзувчилар Уюшмасига аъзоликка қабул қилишди.

– Мактабга А. Навоий номи берилиши тарихига тўхталсангиз...

– 1967 йили А. Навоий номли мактабнинг 35 йиллигини шу мактаб қаршисидаги ошхонада нишонладик. Ўша пайтда мактаб директори Муҳаммадройим Абдураупов эди. Мактаб Алма-Ата темир йўлига қарашли эди. Мен мактабнинг 35 йиллиги, А. Навоийнинг 525 йиллиги муносабати билан ўзимиз ўқиган 42-Тошкент темирйўлига қарашли мактабга А. Навоий номи беришни таклиф қилдим. Барча қўллаб-қувватлади. Таклиф амалга ошди. Мактаб 1967 йилдан бошлаб А. Навоий номи билан атала бошлади. 1992 йили мактабнинг 60 йиллигини нишонлаш арафасида мактабга

Навоий бюстини Тошкентда ишлатиб, олиб келиб, тақдим этдим. Ўша пайтда мен Туркистон шаҳар ўзбек этномданият марказини ташкил этиб, унга раҳбарлик қилаётган эдим. Мактабда А. Навоий ёдгорлиги мажмуаси бунёд этилиб, бюст ўрнатилди. Осон кечмаган, кўп саъй-ҳаракатлар маҳсули бўлган бу ишда мактабнинг собиқ ўқувчиси, таниқли архитектор, Туркистон шаҳрининг ибратли фуқароси Саъдулла Содиқовнинг хизматлари таҳсинга лойиқдир. Мен бу фидойи инсондан миннатдорман. Таъкидлаш жоиз, А. Навоий номли мактабдаги Навоий ёдгорлиги мажмуаси 90 йиллик тўй арафасида Саъдулла Абан ўғли саъй-ҳаракатлари ҳомиюлар ҳиммати билан қайта таъмирланиб, улғувор қиёфа касб этди. Бу ёдгорлик мажмуаси Туркистон вилоятида ягона.

– Мазмунли, қизиқарли маълумотларга бой суҳбатингиз учун ташаккур. Соғ-саломат бўлинг!

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратда: Шоир Э. Рўзиматов устозлари Одил Ёқубов ва Носир Фозиловлар даврасида.

Муаллиф тасвири.

САХИЙҚАЛБ
ИНСОНЛАР КЎП

Шардаралик тадбиркорлар сахийликларини намойиш этиб, туман марказий касалхонасига 17та сунъий нафас олиш ускунасини ҳада қилишди. Аввал учтагина шундай ускунага эга бўлган касалхона ходимлари, айниқса, сунъий нафас олишга муҳтож беморлар ишбилармонларнинг саховатидан миннатдор.

Халқимизнинг бошига оғир кунлар тушганда, бир-биримизга ёрдам кўлини чўзиш ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган янши анъана. Байдибеклик бир гуруҳ кўнгилчилар, яъни “Шаян” умумий ўрта мактабининг 1999 йилги битирувчилари гапни бир жойга қўйишиб, “Шуғила” жамғармаси орқали марказий касалхонага 13та кислород концентратини совға қилишди. Махсус почта жўнатмасида келган сунъий нафас олиш ускуналарини туман ҳокимининг ўринбосари Бағдатбек Жангазиев қабул қилиб, бош шифокор вазифасини вақтинча бажарувчи Батир Айтуаровга топширди.

Ҳамқишлоқларининг соғлиқларига бефарқ бўлмаган битирувчиларга ҳокимлик ва касалхона вакиллари миннатдорчилик билдиришди.

Шунингдек, Кентов шаҳридаги И. Алтинсарин номли мактабнинг 1996 йилги битирувчилари шаҳар марказий касалхонасига 9та сунъий нафас олиш мосламасини тортиқ этишди (тасвирда).

Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.

● Синоат

НАРИГИ ДУНЁДАН ТАШРИФ
БИР ОИЛАНING ҲАЁТИНИ
САҚЛАБ ҚОЛДИ

Отам вафотининг икки йили муносабати билан худойи қилишга тайёрланаётган кунларимиз эди.

Бир куни ярим кечаси онам бизни бақириб-бақириб уйғотди:

– Туринглар, тез туринглар! Ташқарига чиқинглар. Уй исга тўлиб кетиб-ди.

Қишлоғимизда газ йўқлиги сабаб, қишда печкага кўмир солиб ухлаймиз. Ростдан ҳам уй тутунга тўлган эди. Эшик-дизаларни очиб, ташқарига чиқдик. Қарасак, онамнинг кўлари қизариб кетган.

– Тутунга ачишиб, қизарди, – деб кўяқолдилар.

Орадан бир неча кун ўтиб, гапдан-гап чиқиб, айтиб қолди:

– Кўмир иси чиққан куни йиғлаб ўтирган эдим. Бир маҳал деразининг қаттиқ тақиллага-

нидан уйғониб кетдим. Қўшнлардан бири зарур иш билан келгандир, деб қарадим. Тавба, ҳали-ҳануз ишонмайман. Деразадан отанг қараб турибди:

– Кампир, шунчалик ҳам қаттиқ ухлайсанми? Уй исга тўлиб кетди-ку! Болаларни уйғот. Шунинг учун келгандим, – дедилар-да, бироз тикилиб туриб, ғойиб бўлди. Туш кўряпманми, десам – уйғоқман. Икки йил олдин вафот этган таниш чеҳра мени бутунлай довдиратиб қўйганди. Нима бўлганини идрок этолмай турганимда, кулоқларим остида яна ўша овоз жаранглади: «болаларни уйғот деяпман, уй исга тўлган», шундагина ўзимга келиб, сизларни уйғотишга тушдим.

Муаззам ИБРОҲИМОВА.

Бош муҳаррир — Алишер Ғофуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.

Масъул шахслар:

Туркистон, Кентов — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.

Тўлебий — Баҳорой ДЎСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.

Қазигурт — Хуршид ҚЎҚОРОВ. +7-701-447-37-42.

Сайрам — Мухтабар УСМОҶОВА. +7-707-257-97-36.

Тулкибош — Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.

Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон МҲМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.

Муассис — Туркистон вилояти ҳокимлиги.

Мулк эгаси — “Жанубий Қозғоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Диваев кўчаси, 4-уй, 4-қават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79. Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.

Нашр кўрсаткичи — 65466. Адади — 10968 нусха.

*“ERNUR-print” МЧБ босмахонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Буюртма: 1995.

Навбатчи муҳаррир: Саодат ШАРИФБЕКОВА.